
ФАРГОНАДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР МИЛЛИЙ КООРДИНАТОРЛАРИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Great silk road” меҳмонхонаси анжуманлар залида Ўзбекистон раислигига Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлари кенгаши (ШХТ МҚК)нинг навбатдаги йиғилиши ўз ишини бошлади.

Тадбирнинг очилишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршидjon Аҳмедов иштирок этиб, меҳмонларни вилоятимизга ташрифлари билан қутлади ҳамда халқаро тадбирларнинг доимий мезбонига айланиб бораётган Фарғонада сўнгги йилларда амалга оширилаётган янгиланишлар ҳамда ўзгаришлар ҳақида қисқа маълумот берди.

Учрашувда ШХТга аъзо давлатлар вакиллари Ташкилотнинг Давлат раҳбарлари кенгаши ва бошқа Низом органларининг бўлажак мажлисларига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан фикр алмашиди.

Тадбир давомида ШХТнинг Самарқанддаги Саммитида қабул қилиниши кутилаётган ҳужжатлар кўриб чиқилиши ҳам режалаштирилмокда.

ШХТ Миллий координаторлари кенгашининг Фарғонадаги йиғилиши 28 апрель кунига қадар давом этади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-25 12:33:54